

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03.30.12.2021.Gr.02.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЯРАШЕВ ҚУВОНДИҚ САФАРОВИЧ

**ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОН ДАРЁ ҲАВЗАЛАРИ
ЛАНДШАФТЛАРИНИНГ ФУНКЦИОНАЛ-ДИНАМИК БОҒЛИҚЛИГИ
ҲАМДА УЛАРНИ ЛАНДШАФТ-ЭКОЛОГИК РАЙОНЛАШТИРИШ**

11.00.01 - Табiiй география

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.4.DSc/Gr37 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Шароф Рашидов намидаги Самарқанд давлат университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз-резюме) Илмий кенгаш веб саҳифаси (www.samdu.uz) ҳамда “Ziynet” Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Аббасов Субхон Бурхонович география фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Нигматов Асқар Нигматуллаевич география фанлари доктори, профессор Сафаров Эшкабул Юлдашович техника фанлари доктори, профессор Турдимамбетов Изимбет Рахметович география фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Наманган давлат университети

Диссертация ҳимояси Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.03.30.12.2021.Gr.02.07 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 28 июль соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (+99866) 239-16-36, факс: (+99866) 239-11-40; E-mail: ik-geografiya2018@mail.ru).

Диссертация билан Шароф Рашидов намидаги Самарқанд давлат университетининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (№54 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (+99866) 239-11-40

Диссертация автореферати 2022 йил “15” июль куни тарқатилди.
(2022 йил “14” июндаги 25-рақамли реестр баённомаси)

К.М.Боймирзаев

Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш раиси, г.ф.д. (DSc)

Б.А.Мелиев

Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш котиби, география
фанлари бўйича (PhD)

А.А.Абдулқосимов

Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, г.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон аҳолисини табиий ресурслар билан таъминлаш мақсадида ландшафтлардан интенсив фойдаланилаётганлиги туфайли табиий муҳитда техноген бузилиш, кимёвий ифлосланиш, тупроқ деградацияси ва бошқа салбий жараёнлар кучаймоқда. Бу муаммоларга қарши курашишга халқаро ташкилотлар катта эътибор бермоқда. Жумладан, БМТнинг 2030 йилгача барқарор ривожланиш бўйича дастурида белгиланган 17 та мақсадлардан бири “қуруклик экосистемаларини муҳофаза қилиш ва тиклаш, улардан оқилона фойдаланиш, ўрмонларни рационал бошқариш, чўлланишга қарши курашиш, ерларнинг деградациясини тўхтатиш ва биологик хилма-хиллик йўқолишининг олдини олиш” вазифалари ечимига йўналтирилган¹. Мазкур вазифалар айниқса арид иқлимли ҳудудларда, жумладан, Жанубий Ўзбекистон дарё ҳавзалари ландшафтларини функционал-динамик боғлиқликда тадқиқ этишни ва ёйилма ландшафтларни ёнбағир микророзналаштиришни, ландшафт-экологик вазиятларни оптималлаштиришни тақозо этади.

Дунёда ерлардан хўжаликнинг турли мақсадларида фойдаланиш, қишлоқ хўжалик юритишда ва ландшафтларда мелиоратив тадбирларни олиб бориш, ландшафтларни горизонтал ва вертикал табақаланиши ҳамда уларнинг структурасини функционал-динамик боғлиқлиги асосида ҳудудларни турли хўжалик мақсадларида тадқиқ этиш, ёйилма ландшафтларни микророзналаштириш ва қишлоқ хўжалик мақсадларида баҳолаш, геотизимли ёндашув асосида ўзаро алоқадорликни аниқлаш, парагенетик ва парадинамик принцип асосида ландшафт-экологик вазиятни баҳолаш ва оптималлаштириш, суғориладиган ерларнинг техноген бузилишини, чўллар майдонини ўзгаришини, тупроқ ва ўсимлик деградациясини, эрозион жараёнларни кучайиб бориши, дефляция каби салбий табиий географик жараёнлар тезлашишини ўрганишга алоҳида эътибор берилмоқда. Шунингдек, бир бутунлик принципи асосида функционал-динамик боғлиқликда ландшафтларни тадқиқ этиш, таснифлаш, ёйилма ландшафтларни микрорознал дифференциацияланиш қонуниятларини ўрганиш, ландшафт-экологик районлаштириш, вужудга келган ландшафт-экологик вазиятларни оптималлаштиришни ҳар бир ҳудуднинг ўзига хослиги ва функционал-динамик хусусиятларидан келиб чиқиб, амалга оширишга устувор аҳамият берилмоқда.

Республикамизда табиий ресурс ҳамда табиий шароитни баҳолаш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳудудларнинг табиий ресурс салоҳиятидан илмий асосда фойдаланиш, ерларнинг шўрланиши ва чўлланишига қарши курашиш, одамларнинг экологик хавфсиз муҳитда яшашини таъминлаш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60–

¹ 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳаси кун тартиби //Электрон ҳавола: <http://www.uz/undp/org/content/uzbekistan.ru>

сон Фармони билан тасдиқланган «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси»нинг 79-мақсади «Аҳоли саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган мавжуд экологик муаммоларни бартараф этиш» ҳамда 80-мақсади «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, шаҳар ва туманларда экологик аҳволни яхшилаш, «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш»² юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан, экологик вазият ўзига хос бўлган Жанубий Ўзбекистон дарё ҳавзалари ландшафтларини функционал-динамик боғлиқликда парагенетик ва парадинамик алоқадорлик принципи асосида тадқиқ этиш, ёйилма ландшафтларни микроронал дифференциацияланиш қонуниятларини аниқлаш, ландшафт-экологик вазиятни баҳолаш ва районлаштириш орқали вужудга келган экологик вазиятларни оптималлаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг “Экологик назорат тўғрисида”ги Қонуни, “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон Фармони билан тасдиқланган «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон Фармони билан тасдиқланган «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси» ҳамда 2020 йил 24 январдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси талабларига мос равишда ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VIII. “Ер ҳақидаги фанлар”, V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³. Дарёлар ҳавзалари ва ёйилма ландшафтларни функционал-динамик боғлиқлиги, шаклланиши ва барқарор ривожланиш тенденцияси, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда динамик ландшафт-экологик вазиятларни вужудга келиши ва уларни оптималлаштириш бўйича илмий изланишлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Россияда (Москва давлат университети, Воронеж давлат университети, Санкт-Петербург давлат университети), АКШда (George Washington University, Carolina, North Carolina, UNC), Буюк Британияда (Coventry University, University of Portsmouth, Oxford

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон Фармони билан тасдиқланган «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

³ Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий – тадқиқотлар шарҳи: <https://www.ined.fr>, <https://www.edu>, <https://eh.net/encyclopedia/article> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

University), Германияда (Regional and ecological development institute, Westfalischen Wilhelms-Universitat Munster), Хитойда (Beijing Normal University), Канадада (University of Alberta), Швецияда (Lund University), Австралияда (Monash University, University of Technology Sydney), Қозоғистонда (Қозоқ Миллий университет, Алматы давлат университети), Қирғизистонда (Ош давлат университети, Қирғизистон Миллий университет) тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Дарё хавзалари ландшафтларида функционал-динамик боғлиқликни вужудга келиши ҳамда трансформацияланишига оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: функционал-динамик ландшафтлар экологик ҳолатини сақлаш, ландшафтларнинг экологик салоҳиятини баҳолаш ва ландшафт-экологик вазиятларни оптималлаштириш бўйича тизимли ёндашувлар ишлаб чиқилган (Environmental protection Research Institute, Швеция); йирик инфраструктурали лойиҳалар ва стратегик экологик тадқиқотлар базасига асосан хавзалар табиатидан самарали фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг методологик асоси такомиллаштирилган (Regional and ecological development institute, Лейбниц; Institute of Enviromental, Мюнхен, Германия); функционал-динамик боғлиқлик асосида вужудга келган ландшафт-экологик вазиятларга табиий ҳамда антропоген манбаларнинг таъсири, уларнинг даврийлиги, ривожланишининг ландшафт компонентларига ва барқарорлигига таъсир кўлами баҳоланган (Institute of Geographical Sciences, Пекин, Хитой); ёйилмаларда табиий муҳитининг ўзгаришини мониторинг қилиш тизими ишлаб чиқилган (Institute of Geography, Буюк Британия); тупроқлар ва бошқа компонентларни ифлосланиши ҳамда деградациясига боғлиқ ҳолда атроф-муҳитга келтирилган зарарларни баҳолаш йўл-йўриқлари такомиллаштирилган (Москва давлат университети, Воронеж давлат университети, Россия, Қозоқ Миллий университети, Алматы давлат университети, Қозоғистон).

Жаҳонда дарёлар хавзалари, айниқса, уларнинг суғориладиган ерларга инсон фаолиятининг таъсирини аниқлаш ва уларни барқарорлаштириш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: ландшафтларнинг функционал-динамик боғлиқлиги, уларнинг микроронал дифференциацияланиш қонуниятлари, уларга турли омиллар таъсирини ўрганиш ва ландшафт-экологик вазиятнинг глобал ўзгаришларга барқарорлигини баҳолаш; функционал-динамик тизимларни ўрганишда масофавий методлар, жумладан ГАТ га асосланган методлардан фойдаланиш; хавза геотизимларининг алоҳида участкаларида ландшафтлар; турли мавзули ландшафт, ландшафт-экологик карталарни тузиш, худудларни ландшафт-экологик баҳолаш ва районлаштириш, уларни оптималлаштиришни географик асосларини ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ландшафтларни функционал-динамик тизим сифатида тадқиқ этишда хорижий олимлардан Z.V.Ataev, P.A.Burrough, T.R.E.Chidly, G.Le Bas, M.Jamagne, C.Troll, R.Horton, G.Milne, C.Conrad, M.Rahmann, M.Machwitz, Starr, S.Frederick, R.P.Morgan,

A.S.Kostrowiki, B.A.Николаев, E.O.Neef, J.Mc-Closkey, A.Michael, V.B.Mihno, I.I.Mamay, A.H.Каштанов, Ф.Н.Лисицкий, Г.И.Швебс, М.Ш.Ишанкулов, K.N.D'yakonov, A.Ю.Ретеюм, K.A.Drozdov, V.N.Bevez ва бошқалар шуғулланишган. Жанубий Ўзбекистон дарё ҳавзалари геотизимлари бўйича комплекс табиий географик тадқиқотлар Э.М.Мурзаев, Л.Н.Бабушкин, Н.А.Когай, А.Абдулқосимов, В.Н.Вебер, А.А.Юрьев, В.М.Четыркин, Н.П.Костенко, Н.А.Гвоздецкий, Т.В.Звонкова, Б.П.Алисовлар томонидан, ҳудудларни функционал-динамик тизим сифатида Н.А.Гвоздецкий, Н.А.Когай, парагенетик ва парадинамик принцип асосида Ф.Н.Мильков, В.Б.Михно, А.Ю.Ретеюм, В.В.Козин, К.А.Дроздов, Г.Е.Гришанков, Ўрта Осиё ва Ўзбекистон ҳудудларида А.Абдулқосимов, Н.А.Когай, Л.Алибеков, Ш.Эргашов, А.К.Уразбоев, К.М.Боймирзаев, Қ.С.Ярашев ва бошқаларнинг илмий тадқиқотлари амалга оширилган. Динамик ривожланаётган ландшафт-экологик вазиятларни тадқиқ этишга М.П.Толстой, В.М.Чупахин, А.А.Рафиқов, Х.Вахобов, А.Н.Нигматов, С.Б.Аббасов, А.Рахматуллаев, Н.И.Сабитова, Н.Қ.Комилова, В.А.Рафиқов, С.И.Абдуллаев, А.Х.Равшанов, М.Г.Назаров, Н.Т.Сабирова, И.К.Мирзахмедов ва бошқаларнинг илмий ишлари бағишланган. Бу олимларнинг тадқиқот ишларида ҳудудларнинг экологик ҳолати, экологик вазиятларни кескинлаштирувчи омиллар ва манбалар, тупроқ, сув, атмосфера ҳавосининг ифлосланишлари, экология ва инсон саломатлиги масалалари, «антропоген юк» каби масалалар тадқиқ этилган.

Бироқ, шу пайтгача бажарилган тадқиқотларда Жанубий Ўзбекистон дарё ҳавзалари ландшафтлари функционал-динамик боғлиқликда тадқиқ этилмаган, ёйилма ландшафтларни микроронал дифференциацияланиши ўрганилмаган. Шунингдек, ландшафт-экологик вазият баҳоланиб, районлаштириш ишлари амалга оширилмаган, ландшафт-экологик вазиятларни оптималлаштириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилмаган. Шу сабабли ушбу тадқиқот ишида қўйилган вазифалар муаммога янгича, парагенетик ва парадинамик ёндашув асосида ечим топади. Геотизимларни функционал-динамик боғлиқлиги мазкур тадқиқот ишининг асосий ғоясини ҳамда моҳиятини ташкил этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университети илмий тадқиқот ишлар режасига мувофиқ “Жануби-Ғарбий Ўзбекистоннинг геотизимларини табиий, ижтимоий-иқтисодий баҳолаш, уларни геоэкологик муаммоларини ўрганиш ва карталаштириш” мавзуси ҳамда ИОТ-2013-5-08 “Самарқанд вилоятининг экологик, атроф-муҳит муҳофазаси, ичимлик сув сифати, маиший хўжалик чиқиндилари карталарини тузиш” (2013-2014) мавзусидаги илмий лойиҳаси ҳамда А-13-9- «Зарафшон водийсининг рекреация, туристик ва экологик карталарини тузиш» (2015-2017 йй.) амалий тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Жанубий Ўзбекистон дарё ҳавзалари ландшафтларини функционал-динамик боғлиқлигини аниқлаш, уларнинг

микроронал дифференцияланиши, ландшафт-экологик районлаштириш асосида ландшафт-экологик вазиятларни оптималлаштиришни географик асосларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

дарё ҳавзалари ландшафтларини функционал-динамик тизим сифатида вужудга келиши, микроронал дифференцияланиши, ландшафт-экологик шароит ва уни баҳолашга доир турли илмий, фонд ва картографик материаллар, космик суратларни ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш;

ландшафтларни функционал-динамик боғлиқликда ўрганишнинг илмий-методик асосларини такомиллаштириш;

дарё ҳавзалари ландшафтларини функционал-динамик тизим сифатида шакллантирувчи ва ривожлантирувчи омилларни тадқиқ этиш;

ёйилмаларда вужудга келган ландшафт комплексларнинг микроронал дифференцияланиш қонуниятларини аниқлаш;

Жанубий Ўзбекистон дарё ҳавзалари геотизимлари ва унга туташ ҳудудларнинг турли масшабли ландшафт ҳамда ландшафт-экологик баҳолаш карталарини яратиш;

Жанубий Ўзбекистон дарё ҳавзаларида вужудга келган ландшафт-экологик вазиятларни баҳолаш асосида районлаштириш ҳамда улардаги ландшафт-экологик вазиятларни оптималлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Жанубий Ўзбекистон дарё ҳавзалари ландшафтлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети Жанубий Ўзбекистон дарё ҳавзалари ландшафтларини функционал-динамик боғлиқликда вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланиш хусусиятлари, ёйилма ландшафтларнинг микроронал дифференцияланиши ҳамда функционал-динамик геотизимларда вужудга келган ландшафт-экологик вазиятларни баҳолаш ва уларни оптималлаштириш механизмларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Жанубий Ўзбекистон дарё ҳавзалари ландшафтларини функционал-динамик шаклланиш ва ривожланиш хусусиятлари, шунингдек, ландшафтларидаги вужудга келган ландшафт-экологик вазиятларни оптималлаштириш ҳамда диссертация ишининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда картографик, экспедицион, лаборатория, тизимли-таҳлил, қиёслаш, математик, статистик, дала-тадқиқот, рекогносцировка, таянч экспериментал тадқиқот, географик таққослаш, картографик, ГАТ асосидаги масофавий усуллар, олинган маълумотларни графиклар ва жадвалларда тизимлаш каби бир қатор усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

дарё ҳавза ландшафтлари бир бутун функционал-динамик тизим эканлиги асосланган ва уларнинг ҳудудий тарқалиш қонуниятлари замонавий (масофавий ва картографик) усуллар ёрдамида аниқланган;

дарё ҳавзалари парагенетик ландшафт комплеклардаги динамик жараёнларни масофадан аниқлаш орқали парагенетик ландшафт комплексларини ўрта масштабда катталари яратилган;

геотизимларда арид зона элементлари миграцияси ва функционал-динамик боғлиқ жараёнлар ГАТ ни қўллаш орқали аниқланиб, уларнинг катталарини яратиш методикаси (Landsat-8, Sentinel-2 космик станция маълумотларини ArcGIS, QGIS, ENVI 4.5, MapInfo каби дастурларда дешифровкалаш орқали) такомиллаштирилган;

функционал-динамик боғлиқлик натижасида вужудга келган ландшафт-экологик вазият 5 та (бокира, қониқарли, мўътадил, ўртача, кескин) даражада баҳоланган ва илк бор ҳудуд 19 ландшафт-экологик район ажратилган ҳамда ушбу районларнинг комплекс тавсифи ишлаб чиқилган;

кимёвий ва техноген чиқиндиларнинг инсон саломатлигига таъсирини баҳолаш орқали тиббий профилактик тадбирлар аниқланган ҳамда ҳар бир ифлословчи манбанинг таъсирини камайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

функционал-динамик ландшафтларда парагенетик ва парадинамик алоқадорлик қонуниятларига биноан вужудга келган ландшафт-экологик вазиятни географик оптималлаштириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқот ишини бажариш давомида амалиётга тавсия этилган илмий хулосалар ва ишлаб чиқилган чора-тадбирлар ландшафтларни экологик жиҳатдан оптималлаштириш, ландшафт-экологик шароитини яхшилашнинг асосий йўналишлари очиб берилган;

тузилган катталар ландшафтларни функционал-динамик тизим сифатида бошқаришда, табиатидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини илмий асосда амалга оширишда муҳим эканлиги асосланган;

олиб борилган кўп йиллик тадқиқотлар натижасида турли хил ландшафт ва ландшафт-экологик катталар яратилган;

турли чиқиндиларнинг инсон саломатлигига таъсири аниқланган ҳамда уларни олдини олишга доир тавсиялар ишлаб чиқилган;

экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, қишлоқ хўжалиги бошқармалари фаолиятида фойдаланиш учун ландшафт-экологик вазиятлар баҳоланган, ландшафт-экологик районлар комплекс тавсифланган;

ландшафт-экологик вазиятларни вужудга келтирувчи етакчи омиллар аниқланган ва шу асосда ландшафт-экологик вазиятни оптималлаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Гидрометеорология маркази, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари статистик маълумотларидан фойдаланилганлиги, кўп йиллар давомида тўпланган дала-тадқиқот, тажриба-эксперимент, лаборатория маълумотлари асосида яратилган катталар,

назарий ишланмалар, хулоса, таклиф ва тавсиялар амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти дарё ҳавзалари ландшафтларининг функционал-динамик боғлиқлиги ва динамик ҳолатга таъсир этиш механизмини аниқлаш, карталаштириш ҳамда ландшафт-экологик районлаштириш методикаларини такомиллаштирилганлиги, фанда структурали функционал-динамик ва ландшафт-экологик йўналишларни ривожлантириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Жанубий Ўзбекистон дарё ҳавзалари ландшафтларининг функционал-динамик алоқадорлиги ва таъсир этиш механизмини аниқлаш, ёйилма ландшафтларни микроронал дифференциацияланиши ҳамда компонентлардаги ўзига хос хусусиятларни ўрганиш ва турли масштабни карталар тузилганлиги ҳамда ҳудудларда микроронал фарқланишни аниқланганлиги, ландшафт-экологик вазиятни оптималлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқилганлиги, инсон саломатлигига таъсир этувчи салбий омилларни аниқланганлиги, касалликларни тарқалиши ва уларнинг динамикасини прогнозлашга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жанубий Ўзбекистон дарё ҳавзалари ландшафтларининг функционал-динамик боғлиқлиги ва уларни ландшафт-экологик районлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

дарё ҳавзалари геотизимларининг замонавий усуллар ёрдамида аниқланган тарқалиш қонуниятлари асосида тузилган ўрта масштабни мавзули карталари Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг 2021 йил 14 декабрдаги 08-07039-сон маълумотномаси). Натижада, ҳудудда қишлоқ хўжалик экинларини оптимал жойлаштиришни такомиллаштириш имконини берган;

геотизимлардаги динамик жараёнларни масофадан аниқлаш индикатори ҳисобланган вегетацион индексларига доир тузилган карталар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг 2021 йил 14 декабрдаги 08-07039-сон маълумотномаси). Натижада, ўсимликлар деградацияга учраган ҳудудларни аниқлаш ҳамда табиатни муҳофаза қилиш картасини такомиллаштириш имконини берган;

арид зона элементлари миграцияси ва функционал-динамик жараёнларни асословчи ГАТ нинг ArcGIS дастури ёрдамида ҳисобланган эвапотранспирация кўрсаткичлари бўйича тузилган карта-схемалар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат

солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг 2021 йил 14 декабрдаги 08-07039-сон маълумотномаси). Натижада, арид (қурук) зона элементлари миграциясини оптималлаштиришнинг асоси бўлган эвапотранспирацияни камайтириш усуллариини такомиллаштириш имконини яратган;

дарё ҳавзаларининг бир бутун функционал-динамик боғлиқлигига доир олинган натижалардан ЎзАгросуғурта АЖ амалиётида назорат-таҳлил фаолиятини амалга оширишда фойдаланилган (ЎзАгросуғурта АЖнинг 2022 йил 25 апрелдаги 01-06/867-сон маълумотномаси). Натижада, назорат-таҳлил фаолиятини такомиллаштириш ва шу асосда қишлоқ хўжалик ерларида комплекс тадбирларни амалга ошириш имконини берган;

агрolandшафтларда вужудга келган ландшафт-экологик вазиятни инсон саломатлигига таъсирини баҳолашга доир натижалар ЎзАгросуғурта АЖда амалиётга жорий этилган (ЎзАгросуғурта АЖнинг 2022 йил 25 апрелдаги 01-06/867-сон маълумотномаси). Натижада, экологик хавфсиз қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва қишлоқ хўжалик экинларини самарали ҳимоя қилиш усуллариини такомиллаштириш имконини берган;

функционал-динамик боғлиқлик ва парагенетик ҳамда парадинамик алоқадорлик қонуниятларига биноан вужудга келган ландшафт-экологик вазиятни оптималлаштиришга доир чора-тадбирлардан ЎзАгросуғурта АЖ фаолиятида фойдаланилган (ЎзАгросуғурта АЖнинг 2022 йил 25 апрелдаги 01-06/867-сон маълумотномаси маълумотномаси). Натижада, тупроқ шўрланиши, ирригацион ва дефляцион эрозиядан ҳимоя қилиш масалаларини ижобий ҳал этиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур ишнинг тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 20 дан ортиқ республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 38 та илмий мақола эълон қилинган. Шундан, 1 та монография, 15 та илмий мақола, шу жумладан 5 таси ОАК рўйхатидаги нуфузли хорижий илмий журналларда, 10 таси республика илмий журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 220 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг **кириш** қисмида олиб борилган тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мавзунинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий режалари билан боғлиқлиги, диссертациянинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети, тадқиқ этиш методологияси ва методлари, илмий янгилиги, амалий натижалари, ҳимояга олиб чиқилган ишнинг илмий ва амалий аҳамияти,

натижаларнинг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар ёритиб берилган.

Биринчи боб “Ландшафтларни функционал-динамик боғлиқликда тадқиқ этишнинг илмий ва методологик асослари” деб номланган бўлиб, бу бобда дарёлар ҳавзалари функционал-динамик тизим сифатида тадқиқ этишнинг илмий-назарий масалалари, методологик асослари ҳамда ландшафтларни функционал-динамик боғлиқлигини тадқиқ этишнинг замонавий методларини ўрганишга бағишланган бўлиб, асосий эътибор дарё фаолияти ва унинг таркибий қисми ҳисобланган дарё водийлари, уларга туташ ҳудудлардаги тектоген, гидроген, иқлимий омиллар таъсирида вужудга келган геосистемаларни бир-бири билан ўзаро боғлиқлигини тадқиқ этишга қаратилган. Ландшафт комплекси Ер ландшафт сферасининг тарихий тараққиёти давомида, табиий ва антропоген омиллар таъсирида вужудга келган, ўзига хос табиати ва такрорланмас хусусиятлари билан бошқа жойлардан фарқ қиладиган бир қисми ҳисобланади.

Географик адабиётларда кенг қўлланиладиган геокомплекс, табиий географик комплекс, табиий-ҳудудий комплекс, геотизим каби атамалар бизнинг наздимизда ландшафт комплекси тушунчасининг синоними ҳисобланади. Узоқ вақтлар давомида ландшафт ёпиқ тизим сифатида, ўз-ўзини бошқарадиган система дея таърифланди. Ҳозирги пайтда эса ландшафт очик динамик система эканлиги, яъни ландшафтга “инсон, табиат ва жамият” таъсиридаги система сифатида қараш лозим.

Ландшафт комплекслари ўз-ўзини бошқарадиган ва ўз-ўзини тиклайдиган система бўлиб, уларда қуйи рангдаги географик компонентлар ва комплекслар ўзаро боғланган. Бу комплекслар битта ёки бир нечта компонентларнинг таъсирида доимий равишда функционал ҳолатда бўлиб, уларда етакчи омил вазифасини бажаради. Қуйи рангдаги географик компонентлар ва комплексларнинг ўзаро алоқадорлик характери, генетик хусусиятлари ҳамда фарқларига кўра улар учта категорияга бўлинади: регионал комплекслар, типологик комплекслар ва парагенетик комплекслар. Бу комплекслар бир-бири билан боғлиқ бўлмаган мустақил таксономик қаторларни ташкил этади. Ландшафт комплексларининг уч турдаги категорияси ландшафт сфераси учун ҳам, табиий географик ўлкалар учун ҳам, ботиқлар учун ҳам ва дарё водийлари учун ҳам тегишлидир.

Парагенетик комплекслар бир-бирига ёндош ва чегарадош бўлган, келиб чиқишининг умумийлиги билан ўзаро боғланган турли хил таксономик рангдаги регионал ёки типологик комплекслардан таркиб топган бир бутун системадир. Агар бирор-бир географик компонентда ёки муайян ландшафт комплексида ташқи ва ички кучлар таъсири натижасида ўзгариш содир бўлса, бундай ўзгариш фақатгина шу ҳодиса юз берган ландшафт доирасида бўлиб қолмасдан, балки кўшни ландшафтларда ҳам кузатилади. Шунинг учун ҳам парагенетик ландшафт комплексларни ўрганиш, уларни комплекс тадқиқ қилиш табиий географик ва антропоген-ландшафт башоратлаштириш муаммоларини ҳал этишда катта илмий ва амалий аҳамиятга эгадир. Парагенетик ландшафт комплексларини тадқиқ этиш ландшафтлар

географиясини барқарор ривожланишида катта имкониятлар яратиб беришини тадқиқотчи олимлар эътироф этишган.

Н.А.Гвоздецкий (1979) табиий ҳудудий комплексларнинг ландшафт-типологик ва регионал бирликларидан ташкил топганлигини эътироф этиш билан бирга географик муҳитни дифференциацияланишида учинчи ёндашиш ҳам бор деган хулосага келади ва табиий географик комплексларнинг бу типи табиий жараёнларнинг ўзаро боғлиқлик, динамиклиги, модда ва энергия алмашинувининг умумийлик принципларига асосланган функционал бир бутун система дейди. Н.А.Когай (1971) Турон провинциясини ўзаро алоқадорликда (сопряжённый) бўлган бир бутун текислик-тоғ табиий комплекси деб қарайди. Л.А.Алибеков (2006) тоғ ва текисликнинг ҳудудий йиғиндисини геопара деб тушунади. Н.А.Гвоздецкийнинг функционал бир бутун системаси, Н.А.Когайнинг ўзаро алоқадорликда (сопряжённый) бўлган бир бутун текислик-тоғ табиий комплекси, Л.А.Алибековнинг тоғ ва текислик геожуфтлиги Ф.Н.Мильков, А.А.Абдулқосимов ва бизнинг тушунчамиздаги парагенетик ландшафт комплексининг синонимидир. Шу сабабли баъзи ўринларда парагенетик ландшафт комплекслари атамасини функционал-динамик геотизимларга синоним сифатида фойдаланамиз.

Баъзи тадқиқотчиларнинг фикрича, объектларни геотизим сифатида тадқиқ қилишда функционал-бир бутунлик принципи ўзининг жуда катта афзалликларига эга. Шу билан бир қаторда бу принцип ландшафтшуносликда кенг қўлланиб келинган генетик, типологик усулларни ҳам рад этмайди ва аксинча улар бир-бирини тўлдиради. Биз тадқиқот ишларимизда Жанубий Ўзбекистоннинг функционал бир бутун геотизимларини келиб чиқишини тадқиқ этишда бир томондан генетик принципдан фойдаланган бўлсак, иккинчи томондан дарё ва сой ҳавзаларини тадқиқ қилишда функционал бир бутунлик принципдан кенг фойдаландик, яъни ҳар бир функционал-динамик бир бутун геотизимлар ўзига хос табиий шароитнинг шаклланиши, геологик ва геоморфологик ҳамда табиий географик жараёнлари бир-бири билан узвий боғлиқ эканлигини кўришимиз мумкин. Табиатдаги барча геотизимлар бир-бири билан мустаҳкам ички алоқадорликда бўлади.

"Ландшафт" атамасини "геотизим" атамасига алмаштириш борасида турли фикрлар бор, лекин, "ландшафт" атамаси географлар орасида оммалашиб кетган. Шунини таъкидлаш керакки, геотизим тушунчасини географик адабиётда икки хил маънода ишлатилаётганини кўриш мумкин. Геотизим деганда Д.Л.Арманд (1975), А.Ю.Ретеюм (1972), К.Н.Дьяконов (1978) ва бошқалар энергия ва модданинг бир томонлама оқимини мавжуд бўлган ўзига хос табиий географик комплексларни тушунадилар. Ҳозирги кунда "геотизим" атамаси мазмун жиҳатдан турли хил талқин қилинади: 1) геотизим табиий мазмунга эга бўлиб, ландшафт тушунчасига яқин туради. (В.Б.Сочава, А.Г.Исаченко); 2) геотизим умумгеографик тушунча бўлиб, унда табиат жамият алоқалари уйғунлашган (Саушкин ва Смирнов, 1968); 3) "Геотизим" атамаси қатъий чегарага эга эмас, тармоқ тизимлар ҳам геотизимдир (Гохман ва бошқ., 1971).

Географик тадқиқотларда геотизимларни табиий хусусиятлари бўйича аниқлашда иккита асосий ёндашув кенг қўлланилади: ландшафтли ва ҳавзали. Ландшафт ёндашуви билан геотизимларни ажратиш генетик ва морфологик мезонларга мувофиқ амалга оширилади. Ландшафтни ҳудуднинг табақаланишининг асосий таксономик бирлиги сифатида ажратиш мезони унинг географик индивидуаллиги бўлиб, бу икки асосий омил билан изоҳланади: 1) ландшафт генетик жиҳатдан бир хил ҳудуд бўлиб, унда ўзаро боғлиқ табиий компонентларнинг табиий комбинацияси кузатилади, ер юзасининг табиий-географик фарқланишининг охирги босқичи бўлиб, катта ҳудудларнинг табиий хусусиятларининг асосий қисмини сақлаб қолади, уларнинг ўзига хослиги ҳақида умумий тасаввур беради; 2) генетик бир хилликка эга бўлган ландшафт - бу фақат унга хос бўлган кичик табиий географик бирликларнинг бир-бирига чамбарчас боғлиқ мажмуаси саналади.

Дарё ҳавзалари геотизимларининг мажмуи ва вазифалари, тузилиш иерархияси, яхлитлиги, барқарорлиги, ўз-ўзини ривожлантириш қобилиятига эга (Коритный, 2001, Трифонова 2008). Дарё ҳавзасининг асосий тузилмаларига ёнбағирлар тузилиши ва ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган гидрографик тармоқ киради, чунки ёгинлар ёнбағирлардаги сув баланси элементларига айланади ҳамда гидрографик тармоқ оқимни вақт ва маконда қайта тақсимлайди, уларни трансформацияланиши ер ости ва ер усти оқимидан ташқари, уларнинг кимёвий таркибини шаклланишига ҳам таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, дарё ҳавзасининг асосий вазифаси геотизим сифатида модда ва энергиянинг йўналган оқимини ҳосил қилишдир.

Дарё ҳавзаси функционал бир бутун геотизим сифатида ўзини-ўзи бошқариш хусусиятига эга бўлиб, унинг моҳияти шундаки, тизим биринчи навбатда модда ва энергияни қайта тақсимлаш туфайли унга қаратилган бевосита таъсирларни ўзгартиради ва муайян даражада бу таъсирни қайтаради. Шу билан бирга ички динамик омил ва унинг атроф-муҳит билан мувозанат ҳолатини сақлайди. Ушбу мувозанатнинг бузилиши дарё водийларининг экологик ва морфологик хусусиятларининг ўзгаришига эмас, балки геотизим фаолиятининг янги шароитларига мос равишда ушбу ҳудуддаги ландшафтларнинг фаол трансформацияланишига олиб келади.

Ҳавзали ёндашув билан геотизимларни ажратиш геоморфологик мезонлар бўйича амалга оширилади, улар табиий гидрологик тармоқнинг тузилишига асосланади, бу эса унга туташ ҳудудларнинг экологик асосидир. Геотизимларнинг бундай бўлиниши билан тизимни ташкил этувчи элементлар модда, энергия ва ахборот оқимларининг асосий йўналишлари илмий асосланади. Геотизимларни тадқиқ этишнинг бу усули уларда содир бўладиган динамик жараёнларни ҳисобга олиш имконини оширади.

Ҳар бир дарё ва сой мустақил парагенетик комплекс бўлиш билан бирга унинг юқори қисми сув йиғилиш ва ювилиш зонасидан, ўрта қисми тўпланган сув ва ётқизикларни оқизиб юборадиган транзит зонасидан, қуйи қисми эса сувни тақсимлаш ва лойқа жинсларни аккумуляция қилиш зонасидан иборат. Аксарият ҳолларда сувайирғичлар парагенетик ландшафт комплексларининг табиий чегараси бўлиб ҳам хизмат қилади. Ўрта Осиё

шароитида йирик дарёларнинг қайири ландшафт нуқтаи назардан тўқай жой типини, қайирусти террасалари эса қайирусти терраса жой типини, йирик дельталар эса аллювиал текислик дельта жой типини ташкил этади. Хусусан Амударё тоғ, тоғолди-текислик ва текислик чўл ландшафтларини кесиб ўтади. Шу билан бирга улар табиий географик районлаштиришда турли хил регионларга – ўлка, зона, провинция ва районларга тўғри келади. Шунга қарамасдан Амударё водийсининг барча элементлари – қайирлар, қайирусти террасалар, асимметрик ёнбағирлар, дельталар келиб чиқишининг умумийлиги билан ўзаро боғланган ва бир бутун водий парагенетик ландшафт комплексини ташкил этади.

Ландшафтлар динамикаси ва функционаллигининг методологик асосларига табиатда объект ва ҳодисаларнинг ўзаро алоқадорлиги ва ўзаро таъсири натижасида табиатнинг бир бутунлиги, табиатни ташкил этиш, геотизим концепцияси, табиий ҳудудий мажмуалар, яъни ландшафтлар динамикаси ва фаолиятини ўрганишнинг методологик асоси ҳисобланади. Функционал-динамик ландшафт комплексларини тадқиқ этиш муаммолари Ф.Н.Мильков, В.Б.Михно, А.Ю.Ретеюм, А.А.Абдулқосимов, К.А.Дроздов, В.В.Козин ва бошқалар томонидан амалга оширилган.

Ф.Н.Мильковнинг (1966, 1970) эътироф этишича дарё ҳавзаси фақат гидрогеоморфологик комплекс бўлиб қолмасдан, балки муайян табиий географик комплекс бўлиб ҳам хизмат қилади. Шунинг учун дарё ва сой ҳавзалари, эрозион-жарлик системалари, ирригацион иншоотлар, кўл ҳавзалари ва бошқалар функционал бир бутун ландшафт комплексларни вужудга келишида ва ривожланишида асос бўлиб хизмат қилади деб таъкидласа, А.К.Ўразбоев (1998, 2006, 2007) коллектор ҳавзаларини функционал - бир бутун геотизимларнинг суғориладиган массивлардаги энг кўп тарқалган тури деб қарайди.

Ландшафтшуносликда функционал-динамик, яъни парагенетик комплексларни ўрганишга киришиш ландшафтлар динамикасини тадқиқ қилишнинг янги-янги услубий имкониятлардан фойдаланишга йўл очиб беради. В.В.Козин (1979), З.В.Дашкевичларнинг (1975) эътироф этишича, динамика бу ландшафтларнинг параген аъзолари ўртасидаги ўзаро таъсир этиш функцияси демакдир. Парагенетик ландшафт таҳлилида, регионал ва типологик ландшафт таҳлиллардан фарқли равишда, қуйидагиларни ҳар томонлама ва мукамал тадқиқ қилишни тақозо этади: 1) парагенетик комплексларнинг структурасини; 2) интеграция механизмини; 3) ўзаро таъсир этишнинг миқдорий кўрсаткичларини; 4) парагенетик комплексларнинг динамик ривожланиши ва бошқалар.

ГАС технологиялар фойдаланувчига тез ўзгарувчан ижтимоий-иқтисодий шароитларда потенциал иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлган ва бозор шароитига имкон қадар мос келадиган экинлар ва ердан фойдаланиш турлари мажмуини айнан таҳлил қилиш имконини беради. Ер ресурсларини таҳлил қилишда амалий муаммоларни ҳал қилиш учун дунёнинг кўплаб мамлакатларида компьютер базаларининг сифат жиҳатидан янги турларини яратиш ишлари олиб борилмоқда (Le Bas, Jamagne, 1996). Лекин,

республикамизда, жумладан Жанубий Ўзбекистон дарё ҳавзалари ландшафт комплекслари бўйича маълумотлар банки яратилмаган, улар асосида геотизимларнинг таҳлили амалга оширилмаган. Шунинг учун биз ҳудуд ландшафтларни функционал-динамик боғлиқликда таҳлил қилишда замонавий ГАТ технологияларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратдик.

Диссертациянинг **“Жанубий Ўзбекистон геотизимларни шаклланишига таъсир этувчи омиллар ва ҳудуднинг функционал-динамик ландшафт таҳлили”** деб номланган иккинчи бобида функционал-динамик ландшафтларининг шаклланишига функционал-динамик ландшафтларни вужудга келиши ва динамик ривожланиши тектоген, иқлимий, гидроген, биоген ва бошқа омиллар таъсирида ўзгаришига оид масалалар ёритилган. Жанубий Ўзбекистоннинг геологик тузилиши, стратиграфияси ва тектоникаси тўғрисидаги маълумотлар В.Н.Вебер, И.В.Мушкетов, Д.В.Наливкин, А.П.Марковский, А.Р.Бурачек, О.С.Вялов, Н.И.Гриднев, О.Ю.Пославская, Н.П.Костенко, Ғ.О.Мавлонов, Б.И.Пинхасов, В.В.Михайлов, В.В.Чиркин, М.Абдужабборов ва бошқаларнинг илмий ишларида учрайди. Жанубий Ўзбекистон дарёлари ҳавзалари ва уни ўраб турган тоғ тизмаларининг геологик тузилишида протерозой, кембрий, ордовик, силур, девон, тошкўмир, перм, триас, юра, бўр, палеоген, неоген ва тўртламчи давр ётқизиқлари иштирок этади.

Дарёлар ҳавзаларининг тоғли қисмларини геологик тузилишида асосан протерозой, палеозой ва мезозой ётқизиқлари иштирок этса, ботиқ қисмининг геологик тузилишида кайнозой ётқизиқлари фаол иштирок этади. Ҳудудда тўртламчи давр ётқизиқлари кенг тарқалган. О.Ю.Пославская (1961, 1966) тўртламчи давр ётқизиқларини тўртта циклга ажратган. Булар Нанай, Тошкент, Мирзачўл ва Сирдарё цикли ётқизиқларидир. Нанай циклига тўғри келадиган Азкамар цикли, Тошкент циклига тўғри келадиган Қарноб цикли, Мирзачўл циклига Суқайти цикли, Сирдарё циклига ҳозирги цикл тўғри келади.

Жанубий Ўзбекистон ҳудуди дарё ҳавзаларининг ҳозирги рельеф типларини шаклланишида тўртламчи даврда содир бўлган янги тектоник ҳаракатлар, денудация-эрозия-аккумуляция-эол жараёнлар ва инсон хўжалик фаолияти катта роль ўйнаган. Бу жараёнлар ботиқнинг ҳозирги рельеф шаклларини ривожланиб боришига ва динамик ўзгаришига ўз таъсирини кўрсатишда давом этмоқда. Узоқ йиллар мобайнида давом этган табиий географик жараёнлар натижасида қуйидаги рельеф типлари вужудга келган: 1) тектоник-денудацион; 2) дефляцион-сув-аккумулятив; 3) эрозион-эол-аккумулятив. Шунингдек, антропоген рельеф шакллари ҳам кенг тарқалган.

Жанубий Ўзбекистоннинг иқлими республикамизнинг бошқа ҳудудлари иқлимидан кескин фарқ қилиб, улардан қуруқ субтропик иқлим хусусиятлари билан ажралиб туради. Н.Л.Бабушкин, А.В.Ҳисомов (1965) Сурхон-Шеробод ҳавзасини иккита агроиқлим районига бўлган: Термиз (Қуйи Сурхон) ва Денов (Юқори Сурхон). Л.Н.Бабушкин (1959) Қашқадарё ҳавзасини округ деб, унинг доирасида 1) Қуйи Қашқадарё, 2) Кўхитанг ва Бойсун тоғолди,

Ғузур ва 3) Китоб-Шахрисабз агроиклим районларини ажратади. В.Е.Чуб (2000) Сурхон-Шеробод ва Қашқадарё ҳавзаларини Юқори Амударё иқлим райониға киритиб, бу районда ўртача йиллик ҳаво ҳарорати 16-17⁰С га, январники 1-2⁰С, июлники 29-30⁰С, мутлақ минимал ҳарорат -18...-23⁰С га, мутлақ максимал ҳарорат 46-47⁰С га, совуқсиз кунлар давомийлиги 250 кунга тенг деб ҳисоблайди. Ҳароратнинг ўзгариши 2015-2030 йиллар оралиғида 1⁰С га, ёғингарчилик 110-115% га ошади. Қишлоқ хўжалик экинларини экишда, танлашда ва маданий ўсимликларни янги турларини районлаштиришда агроиклим кўрсаткичларини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

Жанубий Ўзбекистон ҳудудидаги дарёларни В.Л.Шульц (1965), В.Л.Шульц, Р.Машрапов (1969), В.Л.Шульц, Л.И.Шалатова (1961) ва бошқалар ўрганишган. Сурхондарё ботиғида гидрографик тўр яхши ривожланган бўлиб, географик жойлашиши асимметрик характерга эга. Сурхондарё ўнг ирмоқларга жуда бой ва чап ирмоқларга камбағал. Қашқадарёга чапдан Жиннидарё, Оқсув, Танхоздарё, Яккабоғдарё, Ғузурдарё каби ирмоқлар кўшилади, ўнг ирмоқлари қисқа ва гидрографик тўр яхши ривожланмаган. Ер усти сув оқими парагенетик ландшафт комплексларни вужудга келишида ва динамик ривожланишида фаол иштирок этади. Ҳар бир дарё, ирмоқ, сой ва ҳатто жарлик турли таксономик рангдаги парагенетик ландшафт комплексларини вужудга келтиради.

Жанубий Ўзбекистон ҳудудининг жануби-ғарбий чўл қисмида сур-кўнғир, тақир, ўтлоқ-ботқоқ аллювиал, кумоқ чўл тупроқлар, шўрхоқлар, кум массивлари ва адиролди зонаси ҳамда Шеробод конуссимон ёйилмаси ҳамда Қашқадарё ҳавзасининг текислик қисмида шўрхоқлашган шағал-кумоқли оч тусли бўз тупроқлар кенг ривожланган. Агрландшафтларда суғориладиган шўрланган оч тусли бўз, аллювиал ўтлоқ ва ботқоқ-ўтлоқ тупроқлар кенг тарқалган. Дарёлар ҳавзаларининг табиий ўсимлик қоплами эфемерлар, эфемероидлар, псаммофитлар, шўралар ва тўқай типидagi ўсимликлардан иборат. Ҳайвонот дунёси келиб чиқиш жиҳатидан аралаш характерга эга. Бу ҳудудда чўл, дашт, тўқай ва тоғларга хос бўлган ҳайвон турлари кўп учрайди. Воҳаларда уй ҳайвонлари кўпчиликини ташкил этади.

Дала тадқиқотларида Жанубий Ўзбекистон дарёлари ҳавзалари функционал-динамик ландшафтларга оид кўплаб материаллар тўпладик, турли рангдаги таксономик бирликларга эга бўлган парагенетик комплексларни ажратдик ва уларнинг карталарини туздик. Парагенетик комплексларни ажратишда ва карталаштиришда макро-, мезо-, микро- ва элементар парагенетик комплекслар, парагенетик фация ҳамда парагенетик урочиша таксономик бирликлар системасидан фойдаландик (1-3 расмлар).


Мазкур таксономик бирликлар системасига асосланиб, Жанубий Ўзбекистон дарёлари ҳавзаларини мураккаб структурага эга бўлган тоғ-ботиқ мезопарагенетик ландшафт комплекслари сифатида қараймиз. Мезопарагенетик комплекс Амударё тоғ-текислик водий макропарагенетик комплексининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Сурхондарё, Шерободдарё, Қашқадарё мезопарагенетик ландшафт комплексининг

структураси мураккаб тузилган бўлиб, у ўз навбатида бир қатор ранг-баранг микропарагенетик комплекслардан таркиб топган. Булар водий, водий-ёйилма, кум массивлари, адир ҳамда адиролди пролювиал текислик - чўл, сув омбори-сохилбўйи ва бошқа микропарагенетик ландшафт комплекслардир. Диссертацияда уларга комплекс тавсиф бериб ўтилган (1-расм). Қуйида Аму-Сурхон микропарагенетик ландшафт комплексига қисқача тавсиф берамиз.

Аму-Сурхон водий микропарагенетик ландшафт комплекси Амударё ва Сурхондарёнинг қайирлари, ўзанлари ва қайир усти террасаларининг шаклланишида ва динамик ривожланишида тектоген, литоген, гидродинамик ва биоген омиллар фаол иштирок этган. Тектоник ботикнинг марказида вужудга келган водий микропарагенетик ландшафт комплекси шимоли-шарқдан жануби-ғарб томон 150 км масофага ва ғарбдан шарққа қараб унинг шимолий қисмида 30-40 км дан жанубий қисмида 120-130 км гача чўзилган. Майдони 1700 км² ни ташкил этади. Аму-Сурхон водий микропарагенетик ландшафт комплекси ўзан, қайир, қайир усти терраса каби элементар парагенетик комплекслардан таркиб топган. Биз ажратган элементар парагенетик комплекслар В.В.Козиннинг (1979) водий парагенетик комплекси доирасида ажратган қайир парагенетик қатори, ўзан парагенетик қатори каби таксономик бирлигига мос келади.


Учинчи боб **“Жанубий Ўзбекистон дарё ҳавзалари функционал-динамик ландшафтларини масофадан тадқиқ этиш ва карталаштириш”** деб номланиб, унда ландшафтларни тадқиқ этишнинг масофали методлари ва ГАТ ёрдамида ландшафт комплексларининг функционал-динамик ва тадрижий ўзгариши дарё ҳавзалари ландшафтларининг турли омиллар таъсирида ўзгаришининг оқибатлари ёритилган. Шунингдек, ландшафтларни карталаштириш методологияси тадқиқ этилган. Ландшафтларни тадқиқ қилишда космик суратлардан фойдаланишнинг имкониятлари жуда катта. Космик суратлар орқали ландшафтларни баҳолаш, уларни трансформацияланишини кўриш, ландшафтлар динамикаси ва уларнинг структурасини ўрганишга имкон беради.

Ҳозирда космик суратлар автоматик усулда, компьютер технологияларида дешифровка қилинмоқда. Космик суратлар таҳлили кўп зоналилиқни ўқишга, ландшафтларни компонентлар бўйича ўрганиш имконини беради. Ландшафт комплекслари ва компонентларини дешифровка қилиш қуйидагича бажарилади: дастлаб турли диапазондаги космик суратлар олинади. Сўнгра, ландшафт комплексларнинг геологик-геоморфологик асоси топилади. Таъкидлаш лозимки, геологик структуралар ва рельеф кўп зонали космик суратларда яққол кўзга ташланади. Қизил зона чўл ва чалачўл ландшафтларини, инфрақизилга яқин зоналар интразонал ландшафтлар - ўтлоқ, ботқоқ ва бошқалар, кўк-бинафша зонадан эса ўтлоқ- шўрхок ва шўрхок ландшафтларни ажратишда фойдаланилади. Дешифровка қилиш йўли билан ландшафтларни ажратиш компонент-индикаторларни таҳлил қилиш орқали амалга оширилади.



Масштаб 1:1750000

1-расм. Жанубий Ўзбекистон дарё хавзаларини парагенетик ландшафт комплекслар картаси



**4-расм. Жанубий Ўзбекистон ҳудудларининг а) вегетация индекслари
б) чанг кўчиши карталари**

Турли муаллифларнинг ландшафт карталаштириш тажрибаларидан фойдаланиб Жанубий Ўзбекистон дарё ҳавзаларини функционал-динамик тизим сифатида қараб, парагенетик ландшафт комплексларини карталаштирдик (1-2-расмлар). Унда Сурхондарё тоғ-водий, Шерободдарё тоғ-водий-ёйилма, Қашқадарё тоғ-водий-ёйилма мезопарагенетик ландшафт комплекси деб ажратилди. Уларнинг структураси мураккаб бўлиб, микропарагенетик комплекслардан, микропарагенетик комплекслар эса элементар парагенетик комплекслардан иборат.

Тўртинчи боб ёйилма функционал-динамик ландшафтларни микрозонал дифференциацияланиши муаммоларига бағишланиб, мазкур бобда ёйилма ландшафтлар функционал-динамик тизим сифатида қаралиб, бу масала Сурхондарё ботиғида жойлашган конуссимон ёйилма ландшафтлари мисолида тадқиқ этилди. Сурхондарё ботиғида конуссимон ёйилма ландшафтларининг географик тарқалиши асимметрик характерга эга. Бу ерда объектив мавжуд бўлган конуссимон ёйилмаларнинг 90% и ботиқнинг ғарбий қисмида, қолган 10% и шарқий қисмида жойлашган.

Ёнбағирларнинг микрозоналлик ғояси илк бор тупроқшунослар томонидан илгари сурилган ва ишлаб чиқилган. Г.Н.Высоцкий 1906 йилда орографик-иклимий ўхшашлик ғоясини ривожлантиришга муваффақ бўлган. В.В.Алехин (1923, 1924) ёнбағирларда ўсимлик турларининг географик тарқалишини бевосита микроминтақалилик қонунияти билан боғлиқ эканлигини изохлаб берган. Ёнбағир ландшафтларнинг микрозонал дифференциацияланишини ўрганиш дастлаб регионнинг ландшафт профилини тузиш тажрибасидан бошланган (2-расм). Текис рельеф шароитида ёнбағир микрозоналликнинг вужудга келиши ва шаклланиши қиялиги 2-3⁰ дан ортиқ бўлган ёнбағирларда урочиша, жой типлари миқёсидаги ландшафт комплексларининг қуйи томон қонуний равишда алмашилиб бориши бевосита ландшафтларнинг вертикал дифференциацияланиши билан боғлиқ (Мильков, 1974).

Ўзбекистон ва Ўрта Осиё ҳудудида кенг тарқалган конуссимон ёйилма ландшафтларни тадқиқ этишда ва уларга бағишланган илмий асарларни чоп

этишда А.А.Абдулқосимов, К.М.Боймирзаев, С.Б.Аббасов, Ю.Султонов, А.К.Ўразбоев, М.Ш.Ишанкулов, О.М.Кўзибоева, Қ.С.Ярашев, Б.Б.Эшқувватов ва бошқаларнинг хизмати катта. Сурхондарё ботиғининг ғарбий қисмида жойлашган Тўполанг, Сангардак, Хўжаипок ва Шеробод конуссимон ёйилма ландшафтлари неотектоник, геоморфологик ва гидрологик жараёнлар таъсирида шаклланиб, рельефи аста-секин пасайиб боради. Ёйилма ландшафтлар юзасининг қиялик бурчаги уларнинг юқори қисмида 8-10⁰ ни, ўрта қисмида 5-7⁰ ни ва қуйи қисмида 3-4⁰ ни ташкил этади. Қиялик бўйлаб содир бўлган барча табиий географик жараёнлар ва компонентлардаги ички ўзгаришлар оқибатида шаклланган урочишлар миқёсидаги табиий ва антропоген ландшафт комплексларининг баландлик минтақалар каби қуйидан юқори томон борган сари кетма-кет қонуний равишда алмашилиб бориши ёйилма ландшафтларнинг ёнбағир микрозоналлигини ҳосил қилади.

Сурхондарё тоғоралиғи ботиғида кенг тарқалган конуссимон ёйилма ландшафтларини ва уларнинг ёнбағир микрозонал дифференциацияланиши ҳам батафсил ўрганилди. Бунинг натижасида Тўполанг, Сангардак, Хўжаипок ва Шеробод конуссимон ёйилма ландшафтлари таркибида учтадан ёнбағир ландшафт микрозоналари ажратилди. Булар юқори ёнбағир ландшафт микрозонаси, ўрта ёнбағир ландшафт микрозонаси ва қуйи ёнбағир ландшафт микрозонаси. Микрозоналарни ажратишда илгари шу соҳада эришилган тажрибалардан фойдаландик ҳамда микрозоналарни вужудга келтирувчи ва шакллантирувчи табиий индикаторларга асосландик. Қуйида мисол тариқасида Хўжаипок конуссимон ёйилмасини тавсифлаймиз.

